

Албанияда илк марта азон мусобақаси ўтказилди



13:00 / 27.07.2021 2247

Албанияда биринчи марта азон мусобақаси маросими озчилик муслмонлар томонидан ўтказилди.

Ушбу азон мусобақасида мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган муслмон ёшлар иштирок этди.

Мусобақа учта асосий босқичдан иборат бўлиб, уларнинг финал босқичи Албания пойтахти Тиранадаги Колегжи Университар Бедерда бўлиб ўтди. Унда Албания бўлими вице-президенти, Бидер университети ректори Таулант Бик, кўплаб мутахассислар, академиклар ва бир қатор олимлар ва муфтийлар иштирок этди.

Албания вице-президенти иштирокчиларга миннатдорчилик билдирди ва шундай деди: «Азон мусобақаси биринчи мартаба ўтказилмоқда ва Ислом ибодат ва намозга даъват этишда муҳим рол ўйнаганлиги сабабли, ушбу дин номидаги азоннинг роли бор. Бундан ташқари, биз исломий жамоат сифатида ушбу ибодатга муҳтожмиз. Ушбу мусобақадаги кўплаб иштирокчиларнинг азонларини эшитганимдан ғурурланаман, чунки уларнинг барчаси жуда яхши иштирок этишди. Ушбу мусобақанинг барча иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдираман ва мусобақа ҳар йили Албанияда бўлиб ўтишига умид қиламан».

Мусобақанинг ёпилиш маросимида финалга чиққан 25 иштирокчи орасида мусобақанинг энг яхши учлигига совғалар топширилди. Танловнинг сўнгги босқичида Албания Исломий озчиликлар бюроси барча иштирокчиларга рамзий совғалар тақдим этди.

Хуршид Маъруф тайёрлади